Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: QG1386842527

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
130500 Do'stlik shahri, Amasoy shoh ko'chasi.

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO 'G 'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**№ 736**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma

   **Loyihaning nomi:** № 1-son shartnoma

   **Loyihaning mazmuni:** Do`stlik tumani Xalq ta`limi bo`limi va Jizzax "Issiqlik manbai" davlat unitar korxonasi o`rtasida 31.01.2022 yildagi 123840337.5 (Bir yuz yigirma uch million sakkiz yuz to`rt ming uch yuz o`ttiz yetti) so`m besh tiyin bo`lgan issiqlik energiyasi yetkazib berish bo`yicha shartnoma loyihasi.

2. **Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot:** Do`stlik tumani Xalq ta`limi bo`limi tomonidan 2022-yilning 31-yanvar kuni ishlab chlqilgan.

3. **Loyiha kelib tushgan sana:** 2022-yilning 31-yanvar kuni markazga elektron tizim orqali yuridik xulosa olish maqsadida taqdim etilgan.

4. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.**

**Yuridik xizmat ko`rsatish markazi tomonidan shartnomaning moliyaviy tomoniga jovob berilmaydi.**

Markaz bosh yuriskonsulti A.R.Abduraximov

2.02.2022 yil

**ИССИК СУВ ХОЛИДАГИ ИССИКЛИК ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БУЙИЧА Ш А Р Т Н О М А.**

«31» январ 2022йил **01 сонли** Жиззах шахри

Дўстлик тумани халк таълими бўлими (бундан буён **«Истеъмолчи»** деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи рахбари З.Ортиқова бир тарафдан ва иссиклик энергияси таъминоти ташкилоти ***Жиззах « Иссиклик манбаи » давлат унитар корхонаси,*** (бундан буён **«Таъминотчи»** деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи рахбари **З. Рахмонбердиев** иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар хакида туздилар:

**I ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

**1.1.** Ушбу шартнома буйича **«Таъминотчи» «Истеъмолчи»**нинг буюртномасига мувофик уланган тармок оркали иссик сув холидаги иссиклик энергияси (бундан буён иссиклик энергияси деб юритилади) етказиб беришни уз зиммасига олади, **«Истеъмолчи»** эса мазкур шартноманинг 1иловасида белгиланган кувватдаги иссиклик энергиясини кабул килиб олиш ва белгиланган нархлар буйича хак тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади.

**1.2.** Фойдаланадиган иссиклик энергиясининг йиллик хажми 1145 Гкал.ни ташкил килади.

**II ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**«Истеъмолчи»**нинг хукуклари:

**а) «Таъминотчи»** дан шартномага мувофик иссиклик энергиясини узлуксиз етказиб беришини талаб килишга; (авария холатларида ташкари)

б) зарур сифатга мувофик булмаган иссиклик энергияси етказиб берилганда **«Истеъмолчи»** уз хоҳишига кура; зарур сифатдаги иссиклик энергиясини **«Таъминотчи»** уз хисобидан кайта етказишини; нархларнинг мутаносиб равишда камайтирилишини талаб килишга; муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофик булмаган холда етказиб берилган иссиклик энергиясини кабул килишни ва хакини тулашни рад этишга.

**2.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:**

а) фойдаланилган иссиклик энергияси учун кейинги ойнинг 5 санасигача хак тулаш;

б) **«Таъминотчи»** тузилган шартномага мувофик иссиклик энергияси истеъмоли режимига риоя килиш;

**в)** иссиклик энергиясини истеъмол килувчи асбоб-ускуналар, иссиклик энергияси кувурлари, иссиклик энергиясини хисобга олиш приборлари, кувурлар изоляцияси ва иссикик энергиясидан фойдаланувчи асбоб-ускуналарни техник жихатдан соз холатда саклаш;

**г)** иссиклик энергияси кувурлари, иссиклик энергияни истеъмол килувчи асбоб-ускуналар, запор ва тартибга солувчи арматуранинг режали-олдини олувчи таъмирлашини ва синовини уз вактида утказишга, таъмирлаш хажми, муддатлари ва жадвалини **«Таъминотчи»** билан келишиш;

**д)** хисоб-китобни хисобга олиш приборлари, пастга туширувчи кранлар, торайтиб турувчи курилмалар ва арматурани **«Таъминотчи»**нинг вакили билан биргаликда пломбалашга, урнатилган пломбаларнинг сакланишини таъминлашга мажбурдир. Пломбаларни олиш **«Таъминотчи»**нинг рухсати билан амалга оширилади;

**е)** барча иссиклик энергияси тармоклари ва иссиклик эненергиясини истеъмол килувчи курилмаларнинг ижро чизмалари ва паспортига, шунингдек ишлаб чикариш йурикномаларига эга булиш;

**ё) «Уздавэнергоназорат»** агентлиги вакилларининг курсатмаларини белгиланган муддатларда бажариш.

**2.3. «Таъминотчи»нинг хукуклари:**

а) **«Истеъмолчи»**дан етказиб бериладиган иссиклик энергияси учун олинадиган тегишли хакни тулашини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда узликсиз хисоб-китобларни амалга оширишни;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган иссиклик энергиясини кабул килишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни **«Истеъмолчи»**дан талаб килишга хаклидир.



**2.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:**

а) Конун хужжатларига мувофик ушбу шартнома мажбуриятларининг уз муддатида бажарилишини таъминлаш;

б) **«Истеъмолчи»**га шартномада курсатилган микдордаги иссиклик энергиясини иссиклик энергияси тармокларининг булиниши чегарасига етказиб бериш;

**в)** иссиклик энергияси тармокларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида иссикл энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда саклаш;

**г)** иссиклик энергиясининг **«Истеъмолчи»**га узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

**д)** иссиклик энергияси тармокларини режали таъмирлашда иссиклик энергияси билан таъминлашдаги мумкин узилишлар тугрисида **«Истеъмолчи»**ни камида 3 сутка олдин огохлантириш;

**е)** иссиклик энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва **«Истеъмолчи»**га иссиклик энергияси беришнинг режадан ташкари тухтатилиши сабаблари тугрисида хабар килиш;

**ж) «Истеъмолчи»**га иссиклик энергияси хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар килиш;

**з)** жорий этиладиган чеклашлар хакида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вактини курсатган холда 3 кун олдин хабар килиш;

**и)** Шартномага мувофик **«Истеъмолчи»**га иссиклик энергияси узлуксиз берилишини таъминлаш, иссиклик манбаи коллекторларидан берилаётган иссиклик манбалари параметрларининг (иссик сув) шартномага мувофиклигини таъминлаш, уларнинг;

иссиклик берувчи кувурда сув харорати буйича - (+) 3 фоизга;

иссиклик босими буйича;

иссиклик берувчи кувурда – (+) 5 фоизга;

оркага кайтадиган кувурда ) (+) 20 кПа четга чикишга йул куймаслик.

## 4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

4.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининини бажаришда "Томонлар" коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда,моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

4.2 "Томонлар" коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки телефон орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

4.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

4.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига хақли эмас.

## III. ИССИКЛИК ЭНЕРГИЯСИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

**3.1. .** Сарфланаётган иссиклик куввати 1030,5 Гкал

Сарфланаётган иссик сув 00 Гкал.

10% тех. эхтиёж = 114,5 Гкал

1 Гкал Иссиклик куввати 108157.50 сум килиб белгиланган.

**Бир йилга 1145 Гкал 123840337.5 сум йилига шу каторда ойига :**

Январ 691 Гкал шу74736832.5сум Феврал 302.9 Гкалшу 32760906.75 сум

Март 151.1 Гкал шу 16342598.25 сум Апрел 0-0 Гкал шу0-0сум

Май 0-0 Гкал шу 0-0 сум Июн 0-0 Гкалшу 0-0 сум

Июл 0-0 Гкал шу 0-0 сум Август 0-0 Гкал шу 0-0 сум

Сентябр 0-0 Гкал шу 0-0 сум Октябр 0-0 Гкалшу 0-0 сум

Ноябр 0-0 Гкал шу 0-0сум Декабр 0-0 Гкал шу 0-0 сум

**3.2. «Истеъмолчи»** томонидан етказиб бериладиган иссиклик энергияси учун шартномадаги микдорнинг камида ___ фоиз микдорида олдиндан хак аванс тарикасида туланади, истеъмол килинган иссиклик энергияси учун колган сумма 30 кун мобайнида тулик тулаб берилади.

**3.3.** Етказиб берилган иссиклик энергияси учун **«Истеъмолчи»** билан хисоб-китоб килиш иссиклик энергиясини хисобга олиш приборлари курсаткичлари асосида амалдаги тасдикланган тарифларга мувофик амалга оширилади. Хисобга олиш приборларига эга булмаган **«Истеъмолчи»**га бериладиган

иссиклик энергияси микдори шартномавий нагрузкаларга мувофик иссиклик энергиясининг умумий микдорини **«Истеъмолчи»**лар уртасида таксимланган холда **«Таъминотчи»**нинг хисобга олиш приборлари буйича белгиланади.

**3.4**. **«Таъминотчи»** ва **«Истеъмолчи»** тармоги ажралиши чегарасигача иссиклик энергиясини етказиб бериш барча харажатлар ва унинг нобудгарчилиги тарифларда хисобга олинган хамда тарифлардан ортикча кушимча хак тулашга йул куйилмайди.

**3.5.** Етказиб берилагн иссиклик энергияси учун **накд ва** пул утказиш йули билан хисоб-китоб килинади.

## IV ИССИКЛИК ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

**4.1.** Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун хужжатлари талабларига мувофик тарзда бажарилиши керак.

Агар тарифлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

**4.2.** Иссиклик энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва хажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

**«Таъминотчи»** буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

**4.3.** **«Истеъмолчи»** илгари берилган буюртманомани бекор ёки ундаги иссиклик энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга хаклидир, бу хакда **«Таъминотчи»**ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан камида 10 кун олдин хабардор килади.

## V. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ, БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

**«Таъминотчи»** **«Истеъмолчи»**ни огохлантириб куйидаги холларда унга иссиклик энергияси беришни тулик ёки кисман тухтатади:

**5.1.** Иссиклик энергияси учун тулов хужжатида белгиланган муддатларда хак туланмаганда (истеъмолчи иссиклик энергияси бериш тухтатилишидан бир ой олдин огохлантирилган такдирда);

**5.2.** **«Истеъмолчи»**, субабонентлар томонидан янги иссиклик энергияси нагрузкалари, цехлар ва курилмаларнинг ёки уларнинг алохида кисмларининг иссиклик энергияси тармогига узбошимчилик билан уланганида;

**5.3.** Иссиклик энергияси истеъмоли тизимлари «Уздавэнергоназорат» агентлигининг инспектори иштироксиз фойдаланишга топширилганда;

**5.4.** Хисобга олиш приборлари урнатилгунга кадар иссиклик энергияси истеъмоли тизимларига кушилганда;

**5.5.** Иссиклик энергияси исрофгарчилик билан истеъмол килинганда, уни талонтарож килиш, тармокдаги сувнинг окиши ва ифлосланишига йул куйилганда;

**5.6.** Иссиклик энргияси истеъмоли тизимлари авария хавфини тугдирадиган ёки хизмат курсатувчи ходимларнинг хаётига хавф соладиган даражада коникарсиз холатга келтирилганда;

**5.7.** **«Таъминотчи»** вакиллари иссиклик энергияси истеъмоли тизимларига ёки иссиклик энергиясини хисобга олиш приборларига куйилмаганда;

**5.8.** Асбоб-ускуналарни таъминлаш буйича режали ишларни амалга оширишда ва Янги истеъмолчиларни улашда резерв таъминлаш мавжуд булмаган такдирда **«Таъминотчи»** **«Истеъмолчи»**ларни узиб куйиш хукукига эгадир. **«Истеъмолчи»**га иссиклик энергияси бериш тухтатилиши тугрисида уни огохлантириш иссиклик энергияси беришда танаффуснинг аник санасини (кунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огохлантириш олингандан кейин 5 кун муддата **«Истеъмолчи»** иссиклик энергияси беришдаги танаффус вактини келишмаса **«Таъминотчи»** ушбу вактини мустакил белгилаш хукукига эгадир. Иссиклик энргияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу хакда узиб куйишдан 24 соат олдин **«Истеъмолчи»**ни огохлантирган холда унинг ишдан ташкари вактида амалга оширилиши керак.

**5.9.** **«Таъминотчи»** авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб булмайдиган чора-тадбир куриш кейинчалик узиб куйиш сабабларни маълум килган холда **«Истеъмолчи»**нинг иссиклик энергияси истеъмоли тизимини узиб куйиш хукукига эгадир.

## VI. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

**6.1.** Иссиклик энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган холларда **«Таъминотчи»** **«Истеъмолчи»**га муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иссиклик энергияси кийматининг 50 фоиздан ортик булмаслиги керак.

Пеня туланиши **«Таъминотчи»**ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва иссиклик энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

**6.2.** **«Истеъмолчи» «Таъминотчи»**га утказиб юборилган хар бир кун учун тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоиздан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

**6.3.** Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошка масалалар Узбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

**7.1.** Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан ткдирда тарафлар коидага кура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита иктисодий судга мурожаат килишга хам хаклидир.

**7.2.** Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

**8.1.** Тарафлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулодда ва муайян шароитларда олидини олиб вазиятлар (зилзила, сув тошкини, ва бошка табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

**9.1.** Мазкур шартнома, унга узгартиришлар (кушимча битимлар) тарафлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

**9.2.** Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланиди.

**9.3.** Мазкур шартнома «05» январ 2022 йилдан «31» мартъ 2022 йилгача муддатга тузилди.

Шартнома муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор килиш ёки узгартириш хакида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган хисобланади.

Шартнома янги мудатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан узгартирилиши мумкин.

Тарафлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган такдирда тухтатилади.

## X .ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

**10.1.** Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кура ёки бошка тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, тарафлардан бирининг талаби буйича ёки иктисодий суд таъмонидан бекор килиниши мумкин.

**10.2.** Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларга бир нусхадан берилади. Шартноманинг хар икки нусхалари тенг юридик кучга эга.

## XI ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| « Таъминотчи » | « Истиъмолчи » |
|---|---|
| **Жиззах « Иссиклик Манбаи » ДУК** | **Дўстлик тумани Халк таълими бўлими** |
| **Почта манзили: 708012 г.Жиззах шахри** | **(Истиъмолчининг номи)** |
| **И. Каримов кучаси 3 уй** | **Манзили: У.Носир кўчаси 15 уй** |
| **р/с 2262 6000 3003 0453 8001** | **Тел./факс72.335-46-92** |
| **ОАТБ « Ипотека » банк Жиззах филиал** | **каз./сч1:100022860082157092100075023** |
| **МФО 00122 ИНН 201672979** | **Банкнинг номи Марказий банк** |
| **ОКОХН 90215** | **МФО:00014 ИНН: 200999341** |
| **Рахбар :** ______ **Рахмонбердиев З.** | **Дўстлик тумани Ғазначилик бўлинмаси** |
| **М.П.** | **(Газначилик булими)** |
| | **Рахбар:** ____________ **З.Ортиқова** |
| | **(Ф.И.О.)** |